

АТГАР

ошиқлигим айтсам

Шодмон
Отабек

Севги хикоялари



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84 (5Ў)7
О86

Ҳурматли китобхон! Муҳаббат ҳақида жуда кўп таъриф-тавсифлар айтилган. Ҳазрат Навоийнинг шундай шохбайти бор:

*Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.*

«Муҳаббат, бу – эски нарса, аммо ҳар бир юрак уни янгилайди» деган пурмаъно ҳикмат ҳам машҳурдир. Дарҳақиқат, донолар ҳаётнинг асл маъноси – муҳаббат дея эътироф этганлар. Бу эътирофда муболаға йўқ. Муҳаббат – инсондаги энг яхши хислатларнинг жамулжамидир. У – барча туйғуларнинг энг қудратлиси! Муҳаббат шу қадар қудратлики, у ўзимизни ҳам қайтадан яратади. Севиш ва севилиш – буюк бахт!

Ушбу тўпламда таниқли ёзувчи Шодмон Отабекнинг муҳаббат ҳақидаги ҳикоялари жамланган. Ҳикоя қаҳрамонларининг кўнгили кечинмалари, муҳаббат изтироблари Сизни бефарқ қолдирмайди деган умиддамиз.

КЎНГИЛ

Йигит меҳмонхонадан чиқиб, қаёққа боришини билмай, туриб қолди.

Қишнинг охирги кунлари. Қуёш одатдагидан илиқроқ ва равшанроқ нур сочарди. У меҳмонхона олдидаги хиёбонда айланиб юрди-да, кўчанинг нариги томонига ўтди. Йўлкада қизил халта ушлаб турган қизга кўзи тушди. Қиз ҳам унга бепарво назар ташлади. Йигит қизнинг олдидан ўта туриб унга қараган эди, қиз аста ўгирилиб олди. Йигит у томонга ҳам айланиб ўтди. Қиз яна бурилиб олди. Йигит иккилана-иккилана қизга яқинлашди.

– Кечирасиз, 8 – Март кўчасини билмайсизми?

– Эшитгандайман...

– Қандай бориш мумкин? – қизнинг очик чеҳра билан жавоб берганидан йигит қувонди.

– Афсуски, буниси айтолмайман.

Йигит ийманиб, яна сўради:

– Сиз ҳам бошқа ёқдан келганмисиз?

– Ха, шундай...

– Мен ҳам, – деди йигит жонланиб.

Қиз хайрихоҳлик билдиргандай энгил бош силкиб қўйди. Йигит анча дадилланиб қолди. Бегона шаҳарда, бугунги очик ҳавода тасодифан учраган шу қиз билан бирга сайр қилгиси келди. Аммо у қизлар билан гаплашишга тортинарди. Ҳозир эса ўзида қутилмаган бир журъат ва иштиёқ сезди...

- Узоқдан келдингизми?
- Узоқдан.
- Жудаям-а? – кулиб сўради йигит.
- Жудаям, – қиз ҳам жилмайди.
- Ҳм... нима... ҳа, нимага келгандингиз? Ўқиш-гами?
- Меҳмонга, – деди қиз паришон оҳангда. У энди бир четга қараб гапирарди.
- Кўп бўлдими келганингизга?
- Ҳа, бир ҳафтадан ошди.
- Қалай, шаҳар ёқдими сизга?
- Унчалик эмас!
- Нега?
- Билмасам....
- Қачон қайтасиз?
- Билмадим. Балки қайтмасман. Шу ерда ишлаб қоларман.
- Иккимиз ҳам мусофир эканмиз, келинг, танишамиз!
- Нима кераги бор буни? – қиз хайрон қолгандай бўлди.
- Балки кераги бордир.
- Қўйинг. Сиз барибир буни... хоҳламайсиз.
- Нега энди? – йигит хайрон бўлди. У наҳотки сўзларим ғайритабий, ишончсиз туюлган бўлса деб хавотирланди. – Сиз менга... ишонмаяпсиз. Мен... унақалардан деб ўйлаяпсиз. Шундайми?
- Йўқ, нега энди.
- Бўлмаса...
- Чунки бари беҳуда гап.
- Нега энди беҳуда бўларкан?
- Беҳуда-да. Агар мен шу ерда турмаганимда биз кўришмас ҳам эдик.
- Лекин ҳаётда кўп нарса тасодифан бошланади-ку.

- Бу ҳам тўғри.
- Келинг эди, айта қолинг. Исмингиз нима?
- Қўйинг. Сиз барибир буниси... хоҳламайсиз.

Тушунсангиз-чи!

– Яна ўша гапни такрорляяпсиз. Нега сиз одамга ишонмайсиз?

– Ган бунда эмас.

– Нимада бўлмаса?

– Кечирасиз, дўкон очилибди, мен кетишим керак.

– Наҳотки... кетсангиз. Бутунлай-а?

Қиз бир лаҳза жим қолди. Кейин дўконга қараб юра бошлади. Йигит қизнинг йўлини беозор тўсди.

– Лоақал исмингизни айтинг.

Қиз индамай туриб қолди.

– Айтсангиз-чи, ахир, нима исмингиз, нима?
– деди йигит бироз қизишиб.

– Зебо, Зебо, – деди қиз шоша-пиша, йигитнинг қизишганига ҳамоҳанг.

– Бор экансиз-ку, Зебо! – хитоб қилди йигит хурсанд бўлиб.

Иккиси ҳам кулиб юборишди. Йигитнинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Аммо қизнинг кетмоқчи бўлиб тургани эсига тушиб, тагин типирчилаб қолди.

– Зебо, – деди йигит илтижо билан, – илтимос, кетманг, яна озгина гаплашиб турайлик.

– Йўқ, боришим керак. Дўконнинг очилишини кутиб турувдим.

– Илтимос, йўқ деманг. Ахир биз бутунлай кўришмаслигимиз мумкин-ку.

Йигит шу тобда шошиб қолган, қизни тагин бироз тутиб туриш учун сўз тополмас эди. Кутилмаганда қизга нисбатан пайдо бўлган иштиёқ

боисини ҳам тушунмас эди. Ниҳоят, қизни ортиқ тўхтатиб туришга ҳаққи йўқлини билиб, ноилож деди:

– Зебо, мен ҳам сиз билан дўконга кирсам майлими?

– Ихтиёрингиз.

Улар дўконга киришди. Ичкарида одам кўп эди. Қиз харид қилиб бўлгунча йигит бир четда кутиб турди. Ҳозир қиз билан ажралиши кераклиги уни безовта қилар, у билан яна бирга бўлгиси келар эди. Йигит қизнинг келганини сезмай қолди.

– Кетдикми? – деди қиз оҳиста.

– А?! Ҳа, кетдик, – йигитнинг юраги хапқиқиб кетди. «Ажабо, менга «Кетдикми?» деди-я, ахир индамай кетвориши ҳам мумкин эди-ку, мен ким бўлман унга!»

Йигит нимадандир ҳаяжонланар, қизни негандир миннатдорлик туйғуси билан эркалагиси келар эди. У қизга меҳр билан тикилди ва бир нима демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади. Аммо шу пайт қизнинг билинар-билинмас оқсоқланиб юраётганини пайқаб қолди.

– Сизга нима бўлди? Нега... оқсаясиз? – йигит беихтиёр хавотирланди.

Қизнинг чехрасидаги ёркин ифода тезда сўнди. Жиддий ҳамда аллақандай совуққонлик билан деди:

– Мана, энди ишонгандирсиз нима учун хоҳламаслигингизни?

– Нималар деяпсиз? Сиз... сиз...

– Мен сизга айтгандим, фойдаси йўқ, бари беҳуда гап деб. Сиз бўлсангиз... – Қиз бу гапларни афсусланиб айтяптими ёки йигитни овунтириш учунми, билиб бўлмасди.

Қиз қадамини тезлатди. Серқатнов кўчадан ўтишаётганда йигит унинг қўлларидан тутди. Қиз қаршилиқ қилмади. Йигит шу тобда муносабатларида муҳим бир ўзгариш юз беришини, бу эса унинг ҳозир, ҳа, худди ҳозир айтадиган сўзига боғлиқ эканини сезар, аммо нима дейишни билмас эди.

Автобус бекатига яқин қолишганда қиз қўлини бўшатиб олди.

– Сиз энди қолинг. Хайр.

Йигитнинг юраги орзиқиб кетди.

– Зебо, – деди алам билан.

Қиз эса «Хўш, яна нима дейсиз» дегандек синиқ жилмайди.

Йигитга ҳозирча шунинг ўзи кифоя эди. Яна бирга кетишди.

– Зебо, кетманг. Яна бироз айланайлик.

– Йўқ, кетмасам бўлмайди.

Улар бекатда тўхташди. Автобус келди. Қиз унга чикмоқчи бўлганда йигит беихтиёр тутиб қолди.

– Зебо, илтимос, яна озгина...

– Йўқ, йўқ! Фараз қилингики, биз учрашмадик. Шунда унутасиз-қўясиз. Барибир сиз буни хоҳламайсиз-ку! Хайр, яхши қолинг.

Йигит оқсоқ қиз орқасидан автобус зинасига оёқ қўйди.

– Мен ҳам сиз билан борсам...

– Йўқ, йўқ, сиз қоласиз!

Орқадан йўловчилар шошира бошлади. Шу пайт йигитнинг хаёлига бир нима урилди... Бўшашибгина машина кўтарган чангдан четга тортди ўзини.

ҚАЙЛИҚ

Исмим Тошпўлат. Қишлоқда туғилиб ўсганман.

Мен ҳам кўпчилик тенгдошларим каби ёшлик фаройиботларидан бенасиб қолмаганман. Севги деб аталмиш эски қўшиқ менинг ҳам қалбимни доғлаб кетган. Энди эса тақдирга тан бериб, кечалар юлдуз санаб тонг орттирган кунларим кўпам эсимга тушавермайди. Гоҳо эсимга тушиб қолса, ўшанда севгимнинг куз осмонидай тиниқ, дарёдай жўшқинлигига қарамай, севганим олдида нақадар ожиз ва журъатсиз бўлганим бироз алам қилиб кетади, холос...

Орадан йиллар ўтди. Ҳаётдан анчагина сабоқ олдим. Аммо менда ҳамон бир нарсага журъат етишмайди...

Онамнинг мени койиб айтишларича, дўстим Абдуғофир билан бир йилда уйланганимда ҳозир уч боланинг отаси бўлармишман. Онамнинг гапларига шу пайтгача гоҳ ҳазил, гоҳ ёлғон билан чап бериб келсам ҳам, энди қутулиш қийин бўлиб қолди.

Олдинги гал қишлоққа борганимда онамнинг илтижо билан тўккан кўз ёшларини эсласам, юрагим эзилиб кетади. Аммо менга ҳам осон эмасда. Ахир умр савдосида шошиб бўладими? Робия энамнинг таъбири билан айтганда, «Бу сигирмиди – сузонғич чиқиб қолса, шартта бозорга олиб бориб сотиб юборсанг!»

Мен фақат ўзимни эмас, онамни ҳам ўйлаяпман. Бўлажак қайлигим фақат мени эмас, неча йилдан буён келин орзусида юрган онамнинг ҳам кўнглини топса, меҳрини қозонса дейман...

Бу сафар қишлоққа ширин хаёллар, ҳали кимлиги номаълум бўлган қайлиқ васлига умид ва илинж билан бордим. Уйдагилар менга бир кўришда ёқадиған, ақлу одоби ҳам ҳуснига яраша, ажойиб бир қиз топиб қўйишганини айтишди. Ҳар гал борганимда бундай гапларни эшитавериб, «этим ўлиб қолган», энди илгаригидай ийманиб-тортиниб ўтирмасдим. Ортиқча таранг қилмай, қиз билан кўришишга рози бўлдим.

* * *

...Жўхоризор ўртасидаги сўкмоқдан борарканман, ўзимни бепарво тутишга ҳаракат қилсамда, нимадандир ҳаяжонланар, қўлларим беихтиёр жўхорининг камоннусха баргларини «шарт-шурт» юлиб оларди. Ана, аввал унинг қизил докашол рўмолига кўзим тушди. «О, мендан олдин келибди-ку, қизи тушмагур!»

Қадамим бирдан секинлашди. Шарпани сезиб, у ҳам сергакланди. Мен томонга бир қараб олдида, қўлидаги аллақандай ўтти ташлаб, рўмолини тузатган бўлди.

У ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасида, қорачадан келган, кўзлари чарос эди.

– Салом! – дедим ёнига боргач.

– Салом, – дея пичирлади у ҳам менга тик боқолмай, уятчан жилмайиш билан. Юрагим бир орзиқиб кетди. Нигоҳидан унинг болаларча беғубор, содда эканлиги сезилиб турарди.

У билан ҳазиломуз, аини чоғда меҳр, эркалаш

Шодмон Отабек

оҳангида гаплашгим келди. Шундай қилсам у ўзини эркинроқ тутар деб ўйладим.

– Айтгандай, исминг нимади?

– Ҳалима.

– Мени танийсанми?

– Ҳмм...

– Алдоқчи! Мени бирор марта ҳам кўрмагансан-ку!

– ...

– Ҳўш, қаердан биласан мени?

– Комила айтган...

– Комилани қаердан биласан?

– Бирга ўқиганмиз.

«Э, гап буёқда экан-да. Ҳаммаси – шаддод синглим Комиланинг иши! Суҳбатни яна савол билан чўзаман.

– Уйларингда мени гапиришадими?

– Ҳмм...

– Нима дейишади?

...

– Ким гапирди аввал, акангми?

– Ҳмм...

– Нима деди?

– Танийман, яхши бола, деди.

– Ўх-ҳў, мен ҳали бола эканманми?!

Кулгидан зўрға ўзимни тийиб қоламан. Ҳалима эса миқ этмай, бошини қўйи солганча, эскириб қолган калиши билан ер чизиб тураверади. Мен эса ўзимни дадил ва эркин сезаман.

Ҳалима кам гапирса ҳам ўзимча ундан янги-янги хислатлар топар, ундаги ажиб бир беғуборлик тобора мени сеҳрлаб қўяётгандек эди. Нима биландир унинг қўнглини хуш қилгим келар, аммо ҳаддим сиғиб айтган ҳазилларим унга қандай таъсир этаётгани менга қоронғу эди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2985> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2985> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2985>